



O'ZBEKISTON OVOZI

ИЖТИМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

• 2008-yil • 12-fevral • Seshanba • 19 (27.824) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш муаммолари аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ва изчил ҳал этилмоқда. Утган йилда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойлардадир, ўртача ойлик реал иш ҳақи 47,2 фоизга кўпайди ва 2007 йил декабрь ойида 210 АҚШ доллари эквивалентига тенг микдорни ташкил этди.

2008 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ВА ЙўНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодларини янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қайд этилдики, 2007 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиги таъминланди. Иқтисодий таркибий ўзгариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди. Мамлакатнинг ялли ички маҳсулоти 9,5 фоизга ўсди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 12,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича — 6,1 фоизни, қурилиш ишлари бўйича — 15,7 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича — 21,0 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича — 20,6 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичдан ошмади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар натижасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига айланди. Қишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгидан барпо этилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосида олиб борилди, тармоқни бошқариш тамойиллари ва тизими ўзгармоқда.

Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган жиҳатли таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларида аниқ акс этди. Экспорт ҳажми ўсишининг юқори суръатлари (40,7 фоиз) ҳисобига тўлов балансининг барқарорлиги ва мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг сезиларли даражада ўсиши таъминланди. Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улуши 38 фоиздан ортиқ бўлди. Мамлакатнинг ташқи қарзлари ҳажми ва унга йиллик жорий хизмат кўрсатиш даражаси энг паст кўрсаткичларга эга.

Иқтисодиётга инвестиция қўйиш умумий ҳажми 2007 йилда 23 фоизга ўсди. Инвестицияларнинг 70 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш объекти қурилишига, шу жумладан 50 фоизга яқини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга йўналтирилди. Бунда ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 58 фоиздан ортиқ ўсгани ҳолда 1 млрд. доллардан ортиқ бўлди. Уларнинг қарийб 76 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик мустаҳкамлаш, солиқ юкни ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокчини изчил камайтириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ишлари давом эттирилди. Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди.

Банк-молия тизимдаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўламларини кенгайтириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини, капиталлашув даражасини янада ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш имконини берди. Утган йилда тижорат банкларининг устав сармояси қарийб 2 баравар ўсди.

Аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш муаммолари аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ва изчил ҳал этилмоқда. Утган йилда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойлардадир, ўртача ойлик реал иш ҳақи 47,2 фоизга кўпайди ва 2007 йил декабрь ойида 210 АҚШ доллари эквивалентига тенг микдорни ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорт тизимлари ва ижтимоий инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес соҳасини, савдо тармоғини ва умуман инфратузилмани ривожлантиришга, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга эътиборнинг етарли эмаслиги оқибатида бир қатор маҳаллий бюджетларнинг, энг аввало, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларида ва кўпгина қишлоқ туманларида дотация олиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари кескинлигига қолмоқда, бозор инфратузилмаси, аудиторилик, суғурта, лизинг фаолияти, айниқса, қишлоқ жойларда ҳали ҳам етарлича ривожланмапти.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Ҳозирги

вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизи шўрланиш даражаси ва сизот сувлар сатҳи юқори бўлган мелиоратив ҳолати ёмон ерлардир. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ва бошқа бир қатор вилоятларда вазият ўта мураккаблигича қолмоқда.

2. Куйидагилар 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгиланди:

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўстиришнинг барқарор ва мувозанатлашган суръатларини таъминлаш, жалб қилмайдиган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш;

ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини ва касаначиликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишни таъминлаш;

«Ешлар йили» Давлат дастурини бажариш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бутун Дастурнинг ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларининг марказига энг муҳим устувор вазифа — инсон манфаатлари устуворлиги қўйилган.

Белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қарор қабул қилинди:

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва соҳаларида, республика ҳудудларида ислохотларнинг чуқурлаштирилиши яқунларини танқидий таҳлил қилсинлар ҳамда 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишлари амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини ва масъул ижрочиларни, шунингдек, ушбу вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилиш механизмни белгиласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Ҳўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев) ва Давлат божхона қўмитаси (Носиров):



ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларининг амалга оширилишини юзасидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар, бунда ажратилаётган маблағлар, ресурслар ҳамда берилаётган имтиёزلардан мақсадли ва самарали фойдаланилишига, манфаатдор хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратсинлар;

лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бир-лашмалари билан биргаликда белгиланган муддатларда лойиҳаларнинг ТИА/ТИҲлари ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилишини, тендер тартиб-таомиллари амалга оширилишини, контрактлар тузилишини ҳамда лойиҳаларнинг ТИА/ТИҲлари узил-кесил параметрларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича тармоқ дастурларининг бажарилишини ҳар чорақда ўз мажлисларида кўриб чиксин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Гуськова), Марказий банк (Муллажонов), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Тиланиш ва тараққиёт жағмармаси (Фулмонов) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига жағмарнинг функциялари ва ваколатларини кенгайтириш, унинг ресурсларини кескин кўпайтиришнинг қўшимча манбалари, жағмарга маблағлари ҳисобига, шунингдек, хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари рўйҳати бўйича тақлифлар киритсинлар.

(Давоми 2-бетда)



Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Р.ШАГАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий мероси муқаррар ўрганилиб, ундан халқимиз, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Буюк шоирга эҳтиром

Бобокалонимизнинг таваллуд кунини кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топтомоқда. 9 февраль кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи адабиёт иқтисодиётлари билан гажум бўлди. Бу ерда бўлиб ўтган тадбирда шоир ва ёзувчилар, олимлар, зиёлилар, талаба-ёшлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюмлари раиси Абдулло Орипов шоирнинг асрлар оша яшаб келаётган боқий асарлари халқимиз маънавий меросининг узвий қисми эканини таъкидлади. Мамлакатимизда буюк мутафаккир иқтисодиётлари муфассал тадқиқ этиш, асарларини нашр этиш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Йигирма йилдан ортиқ вақт асарлар тўлами тўлиқ нашрдан чиқиб, китобхоналар қўлига этиб боргани бунинг яққол далилидир.

Буюк шоир ижодий меросига эътибор нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тобора ортиб бораётган. Дунёнинг қатор давлатларида шоир хотирасини ёзловлаб унинг хайкаллари қад ростлаётгани, ҳаёти, фаолияти ва умрбоқий асарлари дунё олимлари томонидан қўқур ўрганилаётгани бунга мисолдир. Ҳозирга қадар улуг шоир асарлари жаҳоннинг қўллаб тилларига таржима қилинган. Яқинда Навоий газаллари француз тилида тўплам ҳолда Парижда нашр этилди.

Маросимда Хиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайиди, Самарқанд давлат университети профессори Муродхон Эргашев Алишер Навоий мероси нафақат халқимиз, бутун баъшириятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланганини қайд этдилар. Улуг мутафаккир ўз асарларида таранум этган эзгу гоғлар бутун инсониятни тинчликка, ҳамжихатликка даъват этиб келаётган.

Тадбирда буюк шоир асарларидан намуналар янгради. Алишер Навоий ёдгорлиги пойга гуллар қўйилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Шу кунини пойттахтимиздаги Шоирлар хибонада мушоира давом этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида шоир газаллари билан айтилувчи қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Улуг аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

«Аждодлар шавкати — авлодларга мададкор»

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида улуг бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудларига бағишлаб ўтказилган тадбир ана шундай номланди.

Кечада сўзга чиққан таниқли адабиётшунос олимлар ва ёзувчилар

ики буюк ватандошимизнинг ўлмас ва бой ижоди ҳамда аниқ истиқлол йилларида ҳар икки зотнинг маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш йўлида амалга оширилган хайрли

ишлар ҳақида гапирдилар. Навоий ва Бобур газаллари билан айтиладиган қўшиқлар кечага ўзига хос руҳ бағишлади. Тоштемир худойкулов

Муносабат

Энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилди

Юртбошимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини 9 февраль кунини аввалга газетада ўқиб, кейин ўша кунини ТВнинг кечки дастурида мароқ билан тингладим.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили эришган марраларимизни, иқтисодиётимизда, умуман жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар ва жараёнларни танқидий баҳолаб, 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида асосий эътибор ҳамда саъй-харакатларимизни қаратиш зарур бўлган муҳим устувор йўналишларини аниқравиан белгилаб бердилар ва:

«Биз ўз олдимизга аҳоли турмуш даражасини янада оширишни юқас мақсад қилиб қўймоқдамиз», — деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бунинг учун, албатта, хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини, алоқа ва транспорт, молия-банк хизматлари, коммунал хизмат ҳамда асо-

сан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини талаб этадиган бошқа инфратузилмаларни ривожлантириш, жумладан, аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш йўлида меҳнатнинг янги тури — касаначиликни кенг ёйиш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқиш билан банд бўлганлар сонини кўпайтириш, пировадиди, шу йўллар орқали янги иш ўринлари очиб қорамолга ургу бердилар.

Дарвоқе, мамлакатимизда 2008 йил бошига қадар қўшимча 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларидадир. Чунинчи, 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқларида, 20 фоиздан ортиғи касаначилик соҳаси ҳисобига турғи келди. Қорамол боқиш билан шуғулланадиган 350 минг нафардан зиёд фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди. Биргина рўйхатга олинган шундай кишилар умумий сони бугунги кунда 1 миллион нафардан ҳам ошиб кетди. Бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, даромадларини ошириш, турмуш даражасини яхши-

лаш имконини берди. Шу нуқтаи назардан, 2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотлари тарихидидаги улуши 48 фоизга, 2010 йилга бориб 50-52 фоизга ошиши кўзда тутилган. Хизмат кўрсатиш соҳаси салмоғи ҳам тегишли равишда 45 ва 49 фоизга етказилиши мўлжалланган. Касаначиликнинг ўсишидагина 2010 йилга бориб, 250 мингга янги иш ўринлари очилади.

Бу дегани — 2008 ва ундан кейинги йилларда ҳам жамиятимиз ҳаётининг янгилини жараёнлари илчил давом этверади, ислохотлар ҳам ривожланиш билан бирга тобора чуқурлашиб бораверади, иқтисодиётимиз салохияти, барқарорлиги ва мутаносиблиги мустаҳкамланиб, халқимиз турмуш даражаси яхшиланаверади. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, бош мақсадимиз инсон манфаатлари устуворлигидир.

Тошболта ЖўРАЕВ Тошкент молия институтининг умумийқисодий назария ва иқтисодий педагогика кафедраси мудири, доцент, иқтисод фанлари номзоди

Омбудсман ҳисоботи эшитилди
Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Қиш қаҳри қаттиқ бўлса-да, ваҳимага ўрин йўқ
аммо хушёрлик ва эҳтиётлик керак
Қиш ўта қаттиқ келган 1969 йилда дарёдаги муз қалинлиги 70 сантиметрдан бир метргача ҳам борган. Аммо у вақтларда дарёда дамбалар машқуд эмасди. Шу боис, баҳорга чиқиб тошқинлар бўлувди.

«Болалардан меҳримни дариг тутмайман»
— дейди «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Шоира Маликова
«Қўтитувчи қандай бўлиши керак?» — сўрайман муаллимдан.
— Болани фарзандидек қўра оладиган, яъни унинг ҳар томонлама тарбияси учун ўзини масъул деб биладиган инсонни ҳақиқий ўқитувчи деб биламан.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

2008 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев) манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

2008 йил 1 мартга бўлган муддатда — 2008 йилда саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказиш, ишчи аппаратига эга бўлган, доимий фаолият кўрсатадиган саноат кооперация биржасини ташкил этиш, ишчи аппаратига республика корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйишда кўмаклашиш функциясини юклатиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини;

бир ой муддатда — 2008-2010 йилларда маҳаллий ҳомашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасини;

бир ой муддатда — 2008-2012 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

2008 йил 1 июнча бўлган муддатда — ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган ва инновация технологиялари ишлаб чиқиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этилишини рағбатлантиришдаги механизмлар яратишнинг назарда тутилган инновация технологияларини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини;

2008 йил 1 июлча бўлган муддатда — энергетика тармоқларини, сув билан таъминлаш, канализация тизимларини, автомобиль ва темир йўллар шохобчаларини, биринчи навбатда, қишлоқ туманларида янгилаш ва кенгайтиришга, шу жумладан кейинчалик ўшбу зоналарда янги саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштиришга йўналтирилган ўрта муддатли ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Муҳитдинов), Олий ҳўжалик суди (Ишметов) иштирокида 2007-2010 йилларда Хўжасийлаштириш дастури ва инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилишини ҳолатини таъкидлий таҳлил қилсин ҳамда икки ой муддатда амалдаги қўнун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар киритсин, бунда:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, ҳақон бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига мажбуриятлар олаётган ишончли ва масъулиятли хўсусий инвесторларни хўсусийлаштириш жараёнларига жалб этиш учун энг қўлай шарт-шароитлар яратиш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, хўсусийлаштирилган корхоналарнинг самарали ва молиявий барқарор фаолиятини ташкил этиш бўйича қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва юридик жавобгарлигини кўчатириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Марказий банк (Муллажонов) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамасига янги таҳрирдаги Солиқ кодексини амалда рўёбга чиқариш мониторинги бўйича махсус Идораларга гуруҳ ташкил этиш юзасидан тақлифлар киритсинлар ва зарурият бўлса, Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим нормалари ва қондаларини янгида такомиллаштиришга йўналтирилган тақлифларни тақдим этиб борсинлар;

бир ой муддатда — ҳалқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмининг янгида такомиллаштириш, янги ташкил этилган газначилик органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

бир ой муддатда — молия-банк, аудиторилик ва сўғурта фаолиятини ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурлари бажарилишини таҳлил қилсинлар ва тўлганган тақрибани ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасига сўғурта, аудиторилик, лизинг компаниялари, тижорат банклари фаолиятини қўшимча рағбатлантириш, уларнинг капиталлашуви, инвестиция фаолиятини ва молиявий барқарорлигини ошириш, улар томонидан аҳолига ва ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини, айниқса, қишлоқ жойларда кенгайтириш бўйича тақлифлар киритсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) маҳаллий бюджетларнинг дотация олиши-

ни қисқартириш тўғрисидаги масалани 2008 йилнинг 1 чораги якунлари бўйича ўз мажлисида алоҳида қўриб чиқсин ҳамда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик, касана-чилик, савдо тармоғи ва умуман инфратузилмани ривожлантириш, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича вилоятлар ва туманлар бюджетлари даромади ўсишини таъминлайдиган аниқ қарорлар қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Муҳитдинов) Ўзбекистон республика товар-хўмашё биржаси (Тўхтабоев) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамасига Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳар ойлик жадаллар асосида монопол маҳсулотларни мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартибини киритсинлар. Жадвалларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин;

бир ой муддатда — республикада рақобат муҳитини шакллантириш масалалари бўйича ишларнинг аҳолини таъкидлий таҳлил қилсинлар, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга берилган имтиёزلарни пухта инвентаризация қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига айрим тармоқларда иқтисодийнинг монополиялашуви даражасини қисқартиришга, бозорнинг барча қатнашчилари учун тенг рақобат шароитларини таъминлашга йўналтирилган аниқ тақлифлар киритсинлар.

11. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) «Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги ва «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги қўнунлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов) сўғурталовчилар уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт воситаларини эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш ва иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилишнинг такомиллаштирилган тизимини ташкил этиш бўйича норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар пакети ишлаб чиқишини, тегишли қўнунлар қабул қилингандан кейин бир ой муддатда уларнинг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

сига киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов) бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳўкимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда — Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги рағбатлантириш бўйича тақлифлар киритсинлар, бунда 2008 йилда янги ички маҳсулотда уларнинг улushi 48 фоизга, 2010 йилда 50-52 фоизга етказиш назарда тутилсин;

2008 йилнинг 1 майгача бўлган муддатда — шаҳарлар ва қишлоқ туманлари аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминлашини яхшилашга ва газни тежамли ишлатишга йўналтирилган янги лойиҳаларни ҳалқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

икки ой муддатда — 2008-2010 йилларда республика минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар, уларда кичик бизнес, касана-чилик, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида аҳоли турмуши сифатини янгида яхшилаш, бандлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутилсин. Бунда шаҳарлар ва туманларда экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш бўйича замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга устувор аҳамият берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланган ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишини ўз мажлисларида мунтазам равидада қўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Исмоилов), Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов) Ё-мой ва озик-овқат саноати уюшмаси (Ғафуров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва моллари бош сонини қўпайтиришни ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтиришни янгида рағбатлантириш юзасидан тақлифлар киритсинлар.

14. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) тегишли тузилмалар билан биргаликда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бошқаруви органлари раҳбарлик лавозимларини вазирликлар ва идоралар марказий аппаратларининг жойларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, ўшбу мақсадлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни таъминлашга қўриб бўлган ёш, юқори малакали, профессионал тайёрланган ва таърибали мутахассислар билан тўлдирish механизмининг ишлаб чиқсин ва тизимли асосда амалиётда кенг қўлласин.

15. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов), Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Исмоилов) иштирокида 2008-2012 йилларда сўғуриландиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шу жумладан:

сўғуриландиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва имтиёзли кредитларни қўшимча равишда жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш;

2008 йилда мелiorация объектларини таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича назарда тутилган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқиши ва экспертизадан ўтказилиши, сифатли амалга оширилиши;

замонавий мелiorация техникаси, машиналар ва бошқа механизация воситалари билан, шу жумладан лизинг асосида жиҳозланган, ишончли сервис хизмати билан таъминланган иختисослаштирилган пудрат ташкилотларининг ташкил этилиши;

мелiorация ишларини молиялаштириш механизмининг тўдан такомиллаштириш, Молия вазирлиги ҳузуридаги Сўғуриландиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ресурсларини ўз вақтида ва барқарор шаклантириш, Дастурда назарда тутилган мелiorация ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ишлари натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама қилинсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳўкимликлари, вазирликлар, идоралар,

ҳўжалик бирлашмалари «Ёшлар йили» Давлат дастури бўлими ва бандларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

Бунда амалдаги қўнун ҳужжатлари ва норматив-ҳўқуқий ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритишга, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даражасини оширишга ва шу асосда таълим жараёни сифатини тўдан яхшилашга, болаларнинг истеъдоди ва қobiliятини барвақт аниқлаш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Парпиев), Ҳалқ таълими вазирлиги (Жўраев), Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда бугунги кунда мутахассислар тайёрлаш ишларининг аҳолини инвентаризация қилсинлар ва пухта ўрганиб чиқсинлар, ҳар бир мутахассислик бугунги куннинг реал талабларига қанчалик жавоб беришини ва уларга бўлган талабни аниқласинлар ҳамда шу асосда Вазирлар Маҳкамасига иختисосликларга тузатиш киритиш ва уларни ўзгартириш бўйича, зарур бўлган жойларда эса айрим ўрта махсус, касб-хўнар ўқув юрталарини қайта иختисослаштириш юзасидан тақлифлар киритсинлар;

янги умумтаълим мактаблари, лицейлар ва касб-хўнар коллежларини фойдаланишга топшириш, фаолият кўрсатаётганларини мукамал реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича 2008 йил учун белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар, бунда 2009 йил якунларига қўра ўқувчиларнинг бепул мажбурий умумий ва уч йиллик махсус, касб-хўнар таълими билан тўлиқ қамраб олинishiга эришишни назарда тутилсин.

18. Мазкур Дастурнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасига (Ш.М.Мирзиёев) ҳар чоракда кенгайтирилган мажлисларда вазирликлар, идоралар ва ҳудудий бошқаруви органлари раҳбарларининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни Дастурида назарда тутилган топшириқлар ва вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш юклансин.

Вазирлар Маҳкамасига (Ш.М.Мирзиёев) ҳар чоракда кенгайтирилган мажлисларда вазирликлар, идоралар ва ҳудудий бошқаруви органлари раҳбарларининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни Дастурида назарда тутилган топшириқлар ва вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш юклансин.

Омбудсман ҳисоботи эшитилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботни қўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова маъруза қилди.

Парламент Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили ўз иштини ижтимоий-сиёсий ҳаётни янгида демократлаштириш ва модернизация қилиш, ҳўқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳўқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, ҳимоялаш бўйича тўпланган тажрибалар, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириш. Инсон ҳўқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб борди. Фуқароларнинг муносабатларини қўриб чиқиб, уларнинг бузилган ҳўқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан самарали фаолият юритди. Минтақавий вакиллари, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек,

инсон ҳўқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратди.

2007 йил давомида Омбудсманга 8611 та муножаат тушди, ишонч телефон орқали 715 та муножаат бўйича юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Вақил номида келган муножаатларнинг 2052 таси назоратга олинди. Фуқаролар муножаатларида кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ҳўқуқларни таъминлаш, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳўқуқи, инсоний муоамала, кадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳўқуқи риоя этиш, судда ишнинг адолат нуқтаи назаридан қўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар кўтарилди. Инсон ҳўқуқлари бўйича вақил томонидан 8 та хўлоса тайёрланди, тегишли давлат органлари ва муассасаларга юборилди.

Фракция йиғилишида «Божхона имтиёзларининг қўлланилиши тартибига солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа бўйича Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев сўзга чиқди.

Лойиҳага мувофиқ, божиҳона имтиёзларини амалда бир

хилда қўллаш мақсадида «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига ҳамда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноат-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, ҳамда учинчи ўқишда киритилаётган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги масалалар ҳам қўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Раҳабов, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Самидулло Маҳмудовлар тушунтириш берди.

Ийгилишда шунингдек фракция ваколатларига оид бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди. Қўнун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтайи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз муҳбириимиз)

ЎЗХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилояти кенгаши

Мазмун Академияси, вилоят маънавият-тарғибот маркази билан ҳамкорликда Хива педагогика коллежиде шоир ва мутафакхир, давлат арбоби, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллиги бағишлаб, илмий-амалий конференция ўтказди. Тадбирда Хоразм Маъмун Академиясининг катта илмий ходими, шоир, тар-

жимон Матназар Абдулҳаким, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилоят бўлими масъул котиби, шоир Ошиқ Эркин, шоир Отабек Исмоилов, коллежнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Хиромон Юсуповлар сўзга чиқиб, улуғ бобокалонимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари, унинг ёшлар қамолоти йўлидаги ўрни ҳусусида батафсил тўхтадилар.

◆◆◆

Янгиарик туман кенгаши

фаоллари тумандаги Гўлобод қишлоқ врачлик пунктда бўлиб, шифо масканида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари, даволанувчилар иштирокида «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзусида мулоқот ташкил этди.

— Маълумки, партиямиз ёш авлод тарбияси йўлида хизмат

қилаётган ўқитувчилар, миллат соғлигини муҳофаза қилаётган шифокорлар ва ёшларни ўзининг асосий таъничи, деб ҳисоблайди, — дейди туман партия кенгаши раиси Р. Машарипова. — Соғлом авлодни воёга етказиш учун барчамиз масъулмиз. Уларнинг нафақат жисмонан, балки маънаван соғлом бўлишида маҳалла, шу қаторда жамоат ташкилотларининг

ҳам ўзига хос ўрни бор.

2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилиниши келажагимиз эгалари ўз куч ва салоҳиятларини янгида кенгроқ намоён этишлари учун барча имкониятларни яратиш билан бирга, партия ташкилотларига ҳам катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги «Соҳибкор» хўсусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси 2006 йилда 2 та мактаб, 2007 йилда эса биттадан мактаб ва коллежнинг бунёд этди. «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалиги ҳудудда жойлашган Ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги педагогика коллежи қурилишига 1,660 миллион сўмлик маблағ ажратилди. 540 нафар ўқувчи ўрнига эга мазкур ўқув даргоҳи 8 ой ичида фойдаланишга топширилди.

— Қурувчиларимиз астойдил тер тўкишди, — дейди мамнуқлий билан корхона директори Ориф Аевезов. — Улар икки навбатда кеча-қун-

дуз меҳнат қилишди. Биз ҳам қараб турмадик: 200 нафар қурувчи учун нонушта, тушлик ва кечки овқатларини намунали ташкил этдик. Қурилиш материалларини Тошкент, Самарқанд сингари шаҳарлардан пешма-пеш етказиб турдик.

— Мактаб қурилишида ҳам ҳудди шундай жадаллик бўлди, — сўзга қўшилди қурилиш проараби Жозил Турсунов, — 60 кишилик 4 та бригада узлуқсиз ишлаб, 820 ўринли, қиймати 150 миллион сўмлик илм масканини белгиланган муддатидан анча илгари ишга туширилди... Бунда меҳнатлари жиҳозлар замонавий. Атрофи кўм-кўк арчазор.



Суратларда: тажрибали қурувчилар — Қаҳрамон Розиков, Ориф Аевезов ва Анвар Пардаев; янги коллежнинг олд қўриниши. Козим УЛМАСОВ олган суратлар.

Молия муассасаларида

Мамлакатимиз банклари орасида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» бугунги кунда тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда фаол қатнашиб, миқозларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу борада банкнинг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан олиб борилган ишлар ҳам эътиборга молик десак, муболага қилмаган бўлмас.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мижозларнинг яқин шериги ва кўмакчиси

Филиал томонидан 2007 йил якунлари бўйича 20,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли товарлари сотиб олиш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ажратилган. Кредит қўйилmalarининг умумий суммаси 2008 йил 1 январь ҳолатида 30,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан филиалда бажарилаётган ишлар салмоғи ҳам тобора кенгайиб бораётти. Жумладан, ўтган йили 197 та шахсий ёрдамчи хўжалиқларга 212,2 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу маблағнинг 187,5 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидандир. Жами ажратилган кредитлар ҳисобига 878 та янги ишчи йилни яратилган ва 696,2 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Банк томонидан истеъмолик кредитлари берилишини ривожлантириш, ҳар бир фуқаронинг моддий манфаатдорлигини ошириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар реализациясини ривожлантириш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқилиб, банк бўлимлари ўртасида комплекс равишда йўлга қўйилди. Шу жумладан, Президентининг 2007 йил 18 майдати «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси таркибига кирувчи ва бошқа йирик корхоналар ишчи-хизматчиларининг виллоят миқёсида ҳар бир истеъмолик товари бўйича талабномалари умумлаштирилган ҳолда молиялаштирилмоқда. Банка нақд пул топишуви янги миқозларни жалб қилиш мақсадида қўрилган чоралар ижобий натижаларни бермоқда.

Бухоро минтақавий филиали томонидан нақд пул айланишини қисқартириш мақсадида пластик карточкалардан фойдаланиш доирасини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Чунки, Президентининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан муомалага чиқарилган VISA пластик карточкалари эгаларини рағбатлантириш ва шу орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишини ривожлантириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш мақсадида Бухоро минтақавий филиали томонидан ўтган йилнинг 1 октябидан 1 декабрига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» VISA пластик карточкалари билан оилангиз даромадини кўпайтирин!» деб номланган промо-акция ўтказилди. Натижада виллоятдаги АЕКШ ва сав-

Одамлар орасида


Эзгулик улашиб яшайди

партиямиз хайрихоҳи бўлган қамашлик Бозор Келдиёровнинг ўз камтарин меҳнати ортидан топаётган обрў-эътибори хақида

Бозор ака асли тиббиёт ходими. Илгирма йилдан кўпроқ бу соҳада ишлаб, ҳамқишлоқларидан бирортасига ёрдам керак бўлиб қолса, тўнми-тонгми, ҳеч кимни умидсиз қайтармаган. Шу боис ҳалигача уни кўпчилик «ўзимизнинг дўхтири» дея эъзозлайди.

Хуллас, мамлакатимизда турли соҳаларда исохотлар бошланиб кетганида Бозор акаям қараб ўтирмади. Чунки оиласи кичкина эмас, ҳар қандай ишни эпашга қурблари етарди. Қолаверса, қишлоқда яшаганиндан кейин деҳқончиликдан ҳам хабардор бўлишининг нимаси ёмон? «Фермер бўлсак эпалаб кетармиканми?» — деган саволни эшитган аёли Ҳилойло опа ҳам иккиланиб ўтирмади. «Бошқалардан кам жойимиз бўрми? Давлат қўллаб-қувватлаб турган бўлса, ер оламиз, фермерчиликнинг эртаси порлоқ», дея 2004 йилда 23 гектар ер олиб, иш бошлашди.

— Ер билан тиллашиб, ундан ризқ-насиба териб ейишининг ўзи бўлмас экан. Бунинг учун қишлоқ хўжалигининг кўпгина сир-асрорларини билиш, тиним билмай меҳнат қилиш, ерга меҳр қўйиб ишлаш лозим. Қисқаси, инсон бу соҳага ўзини бутунлай бахшида қилиш керак-лигини англаб етдик, — дейди биз билан суҳбатда қаҳрамонимиз Бозор Келдиёров.



Утган йили туманда Президент соврини учун ўтказилган тадбиркорларнинг «Ташаббус-2007» кўрик-танловида жамоа аъзолари «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб, виллоят миқёсида катнашди ва ушбу номинация бўйича фахрли ўчинчи ўринни эгаллаб, виллоят миқёсида учта намунали фермернинг биттасига айланди. Бу эса уларнинг йил бўйи

дек, моддий манфаатдорлик ҳам ошди. Йил якунида олинган соф фойда 15 миллион сўмдан ошиб кетди. Албатта, қўлга киритилган даромад ҳисобидан маҳалладаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

қилган тинимсиз меҳнатларига берилган юксак баҳо эди. — Келажакда ниятим — кўрик танловнинг республика босқичига катнашиб, Президент совринини қўлга киритиш, — дейди Бозор Келдиёров. — Албатта, бунинг ўзи бўлмайдими.

Катта мақсадга эришиш учун қанчалик кўп меҳнат, машаққатлар чекиш керак. Бироқ, излаган имкон топади. Зеро, мамлакатимизда фермерчиликнинг истиқболи юксак. Энг муҳими, бизларни Президентимиз, ҳукуматимиз қўллаб-қувватлапти, ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимоя қилинапти. Шундай экан, нега ишнамаслигимиз, меҳнат қилмаслигимиз керак. Хўжалик аъзолари 2008 йил

билан тўрт ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказаяпти. Беш фарзанднинг онаси Ҳилойло опа ўттиз йиллик таърибага эга олий маълумотли география фани муаллими. Унинг устозлиги остида қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилиши ўз олдиларига мақсад қилиб қўйилганлар.

— 112 та миқозимизнинг 109 тасини фермерлар ташкил қилади. Бозор ака ҳам шуларнинг биттаси, — дейди «Халқ банки»нинг Чимкўрғон мини-банки бошлиғи Шавкат Тўраев. — Утган йили муассасамиз ҳисобидан пахта ҳосили учун 450 млн. 907 минг сўм, галла ҳосили учун эса 112 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Дарвоқе, бугун эл-улус орасида ўз эзгу ишлари, меҳнатсеварлиги билан танилиб қолган оилалар кўпчилигининг ҳақсиз келади. Бозор ака турмуш ўртоғи Ҳилойло опа Баратова

«Бозор ака асли тиббиёт ходими. Илгирма йилдан кўпроқ бу соҳада ишлаб, ҳамқишлоқларидан бирортасига ёрдам керак бўлиб қолса, тўнми-тонгми, ҳеч кимни умидсиз қайтармаган. Шу боис ҳалигача уни кўпчилик «ўзимизнинг дўхтири» дея эъзозлайди.

«Бозор ака асли тиббиёт ходими. Илгирма йилдан кўпроқ бу соҳада ишлаб, ҳамқишлоқларидан бирортасига ёрдам керак бўлиб қолса, тўнми-тонгми, ҳеч кимни умидсиз қайтармаган. Шу боис ҳалигача уни кўпчилик «ўзимизнинг дўхтири» дея эъзозлайди.

Огоҳлик

Қиш қаҳри қаттиқ бўлса-да, ваҳимага ўрин йўқ

аммо хушёрлик ва эҳтиётлик керак

Қўйи Амударёда бу йил қиш қаттиқ келди. Айрим кунлари ҳаво ҳарорати — 30 даражадан ҳам тушиб кетди. Дарё ва каналларнинг қалин муз қоплади.



Амударёнинг чап қирғоғи сув йўлларида фойдаланиш ва дамбалар барпо этиш ишлари масъул ташкилот — «Қорамози — Қиличбой» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одибек Қаландаров ҳикоя қилади: — Дарё жуда қалин музлади. Гурлан тумани ҳудудида 50-55 сантиметр, Янгибозорда 50 сантиметр қалинликкача музлади. Юқоридаги туманларда эса 30-35 сантиметргача бўлди. Қиш ўта қаттиқ келган 1969 йилда дарёдаги муз қалинлиги 70 сантиметрдан бир метргача ҳам борган. Аммо у вақтларда дарёда дамбалар мавжуд эмасди. Шу боис, баҳорга чиқиб тошқинлар бўлувди. Ҳозир виллоят ҳудуди қирғоқларида сув тошқинларига қарши уч йўналишда 826 километр узунликда дамба, 119 та шпор (оқими йўналишуви иншоот)лар мав-


жуд. Улар тўла таъмирланган. Виллоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси маълумотига кўра, ҳозир барча туманларда кечаю кундуз навбатчилик ташкил қилинган. Вазият мунтазам ўрганиб борилаёпти. Таҳминларга қараганда, сув сатҳи белгиланган меъёрдан ошса, Тупроққалъа массивининг дарё бўйига яқин айрим жойларидида экин майдонларида сув чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Бу борада ҳудуддаги хўжалиқлар, фермерлар огоҳлантирилган. Улар ўз техникалари ва ускуналарини хавфсизроқ жойга кўчиришяпти. Мутахассислар Тўнғийун сув омборини дарёдан тўхтовсиз келаятган сувни бир маромга солишда асосий восита дейишмоқда. Январ ойи охириларидан омборга тўпланган сув миқдори тўрт миллиард куб метрдан ошган. У яна икки миллиард куб метр сув сиғдириш имконига эга. Февраль ойида дарёдан кўпи билан яна бир миллиард куб метр сув келиши тахмин қилинмоқда. Дарё ва унинг ўзаниларига тушиб турган сув ҳажми эса бор-йўғи 211 куб метр секундни ташкил қилади. Бу ҳеч қандай сув тошқини хавфини келтириб чиқармайди.

«POYTAHT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 14, 18, 25, 28 март кунлари аукцион савдоларини ўтказиш

Ташкилотнинг аҳолига қўйиладиган хизматлари тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан муомалага чиқарилган VISA пластик карточкалари эгаларини рағбатлантириш ва шу орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишини ривожлантириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш мақсадида Бухоро минтақавий филиали томонидан ўтган йилнинг 1 октябидан 1 декабрига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» VISA пластик карточкалари билан оилангиз даромадини кўпайтирин!» деб номланган промо-акция ўтказилди. Натижада виллоятдаги АЕКШ ва сав-

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Ташриф келишиб олинди

Техрон ва Бағдод Махмуд Аҳмадинахотнинг Ироққа ташрифи дастури бўйича келишиб олди, деб хабар беради РИА Новости. Эронда ўттиз йил аввал рўй берган инқилобдан кейин ҳукуматнинг ҳеч бир вакили Ироққа борган эмас. «Сафар билан боғлиқ барча масалалар келишиб олинди. Худо хоҳласа, ташриф шу йилнинг охиригача (Эрон йил тақвимида кўра 19 мартгача) амалга оширилади», — деди Эрон Исломи Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Манушер Мотакки. Расмий тақлиф Эрон ташқи ишлар вазирининг 2007 йил октябрида Бағдодда бўлганида билдирилган эди.

Эслатиб ўтамиз, 1980-1988 йилларда ҳам мамлакат ўртасида бўлган қонли уруш туфайли юз минглаб одамлар қурбон бўлган. Эрон ва Ироқ муносабатлари Садам Ҳусайн ҳукумат тепасидан кетгач (2003 йилдан), яхшилана бошлади.

Суиқасд уюштирилди

Исёнчи гуруҳлар Шарқий Тимор бош вазирини Шанан Гўжмауга суиқасд уюштирди, деб хабар қилади AFP. Суиқасд маҳаллий вақт билан 07:30 да, мамлакат президенти Жозе-Рамоша Отра қароргоҳига исёнчилар бостириб кирган, юз берган. Ҳукумат вакилларининг айтишича, бош вазир шикастанмаган. Босқин натижасида президент яранган ва операция қилинган. Унинг аҳоли оғирлаша, Австрия шифохонасига ўтказилиши кўзда тутилган. Суиқасдда Шарқий Тимор исёнчилари раҳбари Алфредо Рейналдо иштирок этган. Президентнинг танқуриқчилари уни йўқ қилишга муваффақ бўлишган.

Ўлим жазосига мораторий

Япония парламентининг бир гуруҳ депутатлари ўлим жазосига мораторий қўллаш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлади, деб хабар қилади Kyodo News агентлиги. Олий жазо бир умр қамқоқ жазосига маҳкум этиш билан чекланади. Қонунни ҳар икки палата қабул қилиб, император унга имзо чекаса, 2009 йилнинг мартдан кўчга кириши мумкин.



Тинчлик шартлари тузиш учун...

Сурия Исроил билан тинчлик шартномасини тузиши фақат бир ҳолатда — Жўлан тепалиқларини қайтиб берилганига бўлиши мумкин, деди Сурия ташқи ишлар вазирини Валид ал-Муаллем. Унинг айтишича, Дамашқ Исроил билан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси асосида ҳар икки томонга мос келадиган шартнома тузишга тайёр. Аммо бунинг учун Исроил босиб олган Жўлан тепалиқларини қайтиб бериши керак.

Кака элчи этиб тайинланди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати ривожлантирган давлатларда сурункали очлик касалига йўлиққан 60 миллион боллага маблағ йиғиш дастурини очлик қилди, дея хабар беради БМТ маълумоти хизмати. «Пиёлани тўлдири» деб номланувчи хайрия тadbирини Афғонистондан Сомалигача мактаб ўқувчилари учун ҳар йили 3 миллиард доллар маблағ йиғишни мақсад қилган. Тадбир вакили ва БМТ дастурининг элчиси этиб ўтган йил ФИФА томонидан энг яхши ўйинчи деб тан олинган Кака тайинланди. У биринчи бўлиб рамизий маънодаги қизил рангли бўш пиёлани футбол ишқибозларига қарата уза-ти сурутта тушган. «Бор-йўғи 25 цент орқали сиз мактабга оч кетаётган болани бир коса овқат, бир евро билан эса африкалик болаларнинг бир ҳафталик егулигини таъминлаган бўласиз», — дейди акция ташкилотчилари.

Фикрни суратга олишди

Кембриж Университетининг икки профессори фикрни суратга олишга эришди. Улардан бири — физиолог Адриан хаёти давомида асаб тизимини ўргатган ва 1932 йил Нобел мукофотини олган, бир неча кун аввал Кириллик Жамиятининг олтин медалини сазовор бўлган. Инсон ҳеч нима қилмай, ҳеч нима қалда қўймай кўзини юмиб ўтирганда, мия секундида ўн марта электр зарядини ишлаб чиқарар экан. Мурақаб мосламалар ва фотозеллектрик камера ёрдамида Адриан кинематография плёнкага ушбу жараёни тасвирга олишга эришди. Одам кўзини очиб, нимагадир диққатини жамлаши билан бу зарядлар сони секундида 2000 тагача кўпаяди. Олимнинг аниқлашча, бир нарсага диққат қаратган бир неча одамнинг мияси бундан турлича таъсирланади, анқироғи, тасвирлар бир-бирига ўхшамайди. Олим инсон миясининг кўп қисми ҳеч қандай жараёнда иштирок этмаслигини ҳам айтган.

Қоғоз самолёт учади

Япониялик технологлар ўз маҳорати билан дунёни лол қолдириб, фазодан учирилган қоғоз самолёт беҳавотир ерга қўйишни исботлашмоқчи. 312 граммни ташкил этидиган самолёт қоғози махсус таркибга эгалиги туфайли у 200'Сга дон бериши мумкин экан. Парвоз Халқаро космик станцияга япон космонавти келганида амалга оширилади. Бундан мақсад жиҳозланган энгил парвоз қурилмаларидан атмосферадан ўрнатишда фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашдир.



«Илҳом булоғи» Ногирон ижодкорлар уюшмаси тасарруфидеги «Лаззат-плюс» шўба корхонаси номига Тошкент шаҳар, Юнусовод тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатида олиш департаментини томонидан 2004 йил 22 апрелда 000387 - 10 рақам билан берилган гувоҳнома йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика Маркази жамоаси бош мутахассис Дилшод Аҳмедовга отаси Нигмон АХМЕДОВнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия ихсоз этди.

Абдурасул ПАРДА

✓ **Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир**

...Душанба. Шайхонхоҳур туманидаги янги таъмирдан чиққан 13-мактаб ҳудди таътилда дам олаётган сокин. Ичкарига киришим биланоқ мактабнинг ўзига хос иси дейинми, тароватими, бирдан эътиборимни тортиди.

— Физика ўқитувчиси Шоира опа керак эдилар, — дейман.

— Менман, — дейди эшик олдида навбатчилик қилаётган аёл кулимсираб. Сўнг эса...

Ажойиб лутф билан сўзлаётган муаллима — олий тоифали физика ўқитувчиси Шоира Маликова сизни ўз синфига, аниқроғи, физика оламини қандай олиб кирганини билмай қоласиз.

— 1996 йили малака ошириш институтиди астрономия фанидан биринчи дарсини «Улуғбек юлдузлари» номи билан ўтказиш ҳақида маъруза қилдим... Биласизми, ҳамма фаннинг ўз қалити бор. Болаларга китоб тилида эмас, бола тилида гапирсангиз, нега, нима учун деб савол беришни, бош қотиришни ўргатсангиз, физика қасрининг қалитини қўлига топширган бўласиз ва бола бу қасрга девордан ошиб тушмайди.

Сўхбат қизгани сайин ўқиганини — бироз мураккаб, бироз сирлироқ туюлган физика оламини илк бор кашф этаётгандек маҳлиё бўлиб қолаверасиз.

— 2004 йилда ўқувчиларни физика фанига қизиқтириш ҳақида услубий қўлланма яратдим. Чунки физика мураккаб фан. Уни ўқитиш йўлини, қандай ёндашиш кераклигини билмасанг, бола бундай фойдали ва қизиқ илмга бегона бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, ўқувчининг билим эгаллашгани янги услубларсиз Давлат таълим стандартлари даражасида шакллантириш мумкин эмас.

«Жозибали ва фусункор» фан — физикани формула ва назариялар орқали жонлантириб амалиётга кўчирётган Шоира опа менга иш столи устида уюлиб ётган файл-китобларни кўрсата бошлайди:

— Уқувчини ишлатмасангиз, изланишга ундамасангиз қадрингизга етмайди. Мана, физикавий ишо, физикавий диктант, кросс-ворд, беш дақиқали савол-жавоб,

слайдлар... буларнинг бари ўқувчиларнинг қўли билан яратилган. Ҳар йили қилинадиган каш-фотларнинг 10 фоизини физикага оидлари ташкил қилади. Уларнинг ўзи мени шу янгиликлардан хабардор қилиб, газета, журнал кўтариб келишади. Бошини қотириб, ўз қўли билан ниманидир ясаган бола синфини, ундаги анжонлар, лаборатория ускуналарини ҳам авайлайди. Афсуски, ўқувчиларнинг дарсга, синф жиҳозларига беэътибор бўлишида ўқитувчининг ҳам айби бор...

Ҳатто ҳар бир физика мусобақаси натижалари, реферат, тест-

курс бўлади. Сиз берган савол ҳозирда барча физика ўқитувчилари учун долзарб муаммо. Бир вақтлар ўзим бу муаммога тўқнаш келгандим. Шу сабаб лаборатория шароити бўлмаган вақтда тажриба ўтказишни ўз фаолиятимда бошладим ва кейинчалик бу ҳақда семинар-тренинг ташкил этдим.

Ўқитувчиларга осон тутмайман. Ўзим ҳам шу касбнинг нонини ейман. Аммо излаган имкон топади, деганларидек янгиликка интилган муаллими ўз ҳаракати ҳар қандай вазиятдан кутқаради. Баъзида фақат дарс ўтиш нафақат болага, ҳатто биз ўқитувчиларга ҳам зери-

қурса бўлади. Ўта билим-ли ва замонавий, ўзига хос муаллим бўлсангиз ҳам, синфингизда ҳамма шароит муайён бўлса ҳам фақат илм-фан билан бола қалбини забт этолмайсиз. Сиз болага билим нима учун кераклигини, бу билимлардан-да қийин, аммо ўта зарур — одамгарчилик илми борлигини сингдиришингиз зарур. Баъзан, беш қўл баробар эмас, дейишди-ку, турли хил шароитда катта бўлаётган болаларга дарс беришга тўғри келади. Ўқитувчининг ўзлаштиришига унинг ўй шароити ҳам таъсир қилади. Бундай ҳолларда мен уларни ўз фарзан-

«Болалардан меҳримни дариф тутмайман»

— дейди «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси» Шоира Маликова

ларни ҳам ўз мулкдек авайлаб сақлаши, устоз-шоғирд муносабатига жиддий ёндашишига Шоира опанинг синфига кирган ҳар бир киши шубҳа қилмайди.

Физика ҳаёт фани. Уни фақат китоб, рўчка билан тушунириб бўлмайди... Бу қаҳрамонимизнинг доимий равишда амал қиладиган шиори, десам янглишмайман.

— Сир эмас, лаборатория тажрибаларини ўтказиш учун айрим мактабларда шароит еттишмас экан...

— Мана шу кўриб турганингиз капитал таъмирдан чиққан мактабимиз ҳам бир вақтлар сиз айтгандек, шароити яхши эмасди. Ҳўш, бу муаммо ечимини кутиб ўтирвериш керакми? Массулият ва фанга қизиқиш ўқитувчини ҳеч қачон чеклолмайди. Ҳар кун ҳар биримиз неча хил физикавий ҳолатлар билан тўқнаш келамиз, баъзи содда ҳодисаларни ҳатто ўй шароитида ҳам тажриба қилиб

карли бўлиб қолади. Ана шундай пайтларда фантазияни ишга солиш даркор. Ўқитувчи тасаввур қилишни тўхтатса, ўқитувчи эмас. Муаллим нечага кирмасин, қалби боланикидек тоза ва ёш бўлиб қолсин. Мен ўйлаб топган ўйинлар, масалалар, мусобақалар — буларнинг бари шу болалар тўғрисида...

Дарҳақиқат, ўттиз бир йилдан бери ёшларга сирли фан бўлиши физикадан сабоқ бериб келаётган бу аёл ташаббускорлиги, шижоати, ғайрати билан кечатгина олий даргоҳни битириб келган ёш мутахассисига ўхшайди. Қанийди, ҳар бир ўқитувчи шундай куюнчак, фидойи бўлса...

«Ўқитувчи қандай бўлиши керак?» — сўрайман муаллимадан.

Бироз ўйлаб тургач, яна ўша сокин ва самийий оҳангда Шоира опа сўз бошлади:

— Болани фарзандидек кўра оладиган, яъни унинг ҳар томонлама тарбияси учун ўзини масъул деб биладиган инсонни ҳақиқий

димдек кўришга, уйда ололмаётган нарса — меҳр ва диққат-эътиборни беришга ҳаракат қиламан. Мактаб — бола учун иккинчи ўй, баъзиларга эса биринчи бўлиши ҳам мумкин.

Тажрибали ва сабрли устоз Шоира опа ўз фаолиятида бола шахсияти, унинг ички оламини тинмай ўрганади. Мурғак қалбини ўстириш, маънан ва интеллектуал бойитиш ҳақида бош қотиради.

— Биласизми, болалар жуда содда, оғина мактаб қўйсангиз, рағбатлантирсангиз, ҳудди ойлик олиб ишлаётгандек берилиб ўқийди, изланади. Синфининг шиори — **ХАРАКАТСИЗ ИШ БЎЛМАЙДИ...** Болаларга ўзини-ўзи назорат қилишни ўргатаман. Махсус темир дафтарим шунинг учун тутилган. Болаларнинг ўзи давомат қилади, уй вазифасини текширади, ҳамма икки бешлариниям аямасдан қўйиб бераман. Хонаси келганда каттик турмасангиз бола ялқов бўлиб қолади.



ота-оналар фарзандининг билим олишига бефарқ бўлмаганда, кўп муаммоларнинг олди олинган бўларди.

...Сўхбат чоғида синфга бирин-кетин кириб келаётган ўқувчилар Шоира опа билан саломлашиб, кучоқлашиб кетишарди. Уларнинг уйда бемалол юргандек, онасига талингандек устозга эркаланиб кетишини кўриб, аввалига сал ажабландим ҳам. Кейин...

Бу — мен раҳбарлик қиладиган синф. Дарсим бўлса бўлмас, олдимга келиб, мендан ҳол-ахвол сўраб кетишади. Ахир уйига келса ё кетса, бир оғиз «ойи, мен кетдим» дейиш керак-ку. Бу бизнинг уйимиз-да! Ҳеч қачон болалардан меҳрини дариг тутмаслик керак. Меҳр кўрган усмирдан ёмонлик чиқмайди.

Ҳар йили таълим сифатини ошириш, ўқитувчилар касбий маҳоратини юксалтириш бўйича неча неча услубий қўлланма, йўриқномалар чоп этилади, семинар-тренинглар ўтказилади. Уларга амал қилиб билим бераётган ўқитувчилар қанчаллигини билмаймиз. Аммо ўзи учун ўзи янгилик яратувчи, четдан мадад кутмай, изланувчанлиги, қалб ҳарорати, қизиқувчанлиги билан ҳам ўргатиб, ҳам ўрганиб ишлаётган Шоира Маликова каби меҳрибон устозлар, ёшлар мурабийлари кўпайишини чин дилдан истаймиз.

Гулгул СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Рауф ИНИЛЕЕВ:

Фақат натижадан қониқдим

Хабарингиз бор, 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари Осид минтақаси учинчи босқичи баҳсларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Рауф Инилеев бош мурабийлик қилаётган мамлакатимиз бош жамоаси мусобақанинг «К» гуруҳидан жой олган. Қўрғақа кўра, вакилларимиз илм учрашувни Байрутда Ливан футболчиларига қарши ўтказишди. Мазкур ўйинда умидли ёшларимиздан бири Одил Аҳмедов томонидан киритилган ягона тўп Инилеев шоғирларига муҳим галабани тўғра этди.

Кунни кеча Ўзбекистон Футбол федерациясида бош мурабий Рауф Инилеев иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



— Рауф Талгатович, Ливан сафари ва умуман ўйин ҳақида фикрингиз қандай?

— Аввало, барчангизни галаба билан табриклайман. Биласиз, биринчи ўйин доимо хавотирли бўлади. Аммо илк турдаги галаба жамоаларнинг мақсадлари нимадан иборат эканигини бироз бўлса-да кўрсатиб беради. Тан олиш керак, ўйинчилар ўз имкониятлари даражасида ўйнай олишмади. Ҳозир февраль, одатда, бу пайтда жамоа ҳали оптимал ҳолатга кирмаган бўлади. Шунга қарамай, 2-3 та яхши имкониятларга эга бўлди. Бундан ташқари, Ливан терма жамоаси ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасдик. Аиникса, уларнинг ҳужумчиларини мақташганда. Шу сабабли биз майдон марказини мустаҳкамлаб, ўз дарвозамиз дахлсизлигини ўйлайди.

— Терма жамоамиздан ким-

ларнинг ўйинини алоҳида эътироф этган бўлардингиз?

— Ўйин тақдирини ҳал қилган ягона гол муаллифи Одил Аҳмедовни. У сунгги пайтларда нимага қодир эканлигини намойиш қилиб, эътибор қозонди. Бундан ташқари, Сервер Жепаровни ҳам алоҳида тилга олган бўлардим. У ҳам ўзининг энг мазмунли ўйинларидан бирини кўрсатди.

— Дастлабки учрашувдан кейин Ливан терма жамоаси сизда қандай таассурот қолдирди?

— Биз бу ўйингача Ливан ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасдик. Лекин унутмаслик лозимки, бу фақатгина биринчи тур. Шу боис, гарчи маълумиятга учрашга қарамай, Ливанни қўрсатган чикди деб бўлмайди. Ҳеч бўлмаса, биринчи давра яқунлагач, бирор бир ҳулоса чиқариши

✓ Спорт

Кашфиётлар майдони



Мамлакатимизда миллий спорт тури — курашни янада оммавийлаштириш ва ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда кураш спорт клублари ташкил этиш, интидорли ёшларни излаб топишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кунни кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт саройида ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ҳам бунга яна бир қарра тасдиқлади.

— Икки кун давом этган беллашуларда йигитлар тўққиз ҳамда қизлар олти вазн тоифалари бўйича гиламга чиқдилар, — дейди мусобақа бош ҳақами Мурод Дусимбетов. — Ниҳоятда курашсевар халқимиз. Ота-оналаримиз ўз фарзандларининг полвон бўлишини, жаҳон чемпиони бўлиб элга танилишини жуда-жуда хоҳлашади. Бунга мамлакат чемпионати қатнашчилари сони аввалгиларига нисбатан сезиларли даражада ошганлигидан ҳам билиш қийин эмас. Бахсларда гиламга чиққан олти юз нафар ёш полвонларимизнинг маҳоратини ҳаққоний ва ҳалол баҳолашга ҳаракат қилдик.

Мусобақа якунида ўз вазн тоифаларида Шахриёр Мардо-



нов (50 кг., Самарқанд), Мухиддин Очилов (55 кг., Бухоро), Жасур Холмуродов (60 кг., Самар-

қанд), Абдор Исмоилов (65 кг.), Яхё Имомов (71 кг.), Баҳодир Фаниев (77 кг. барчаси РОЗСК-

Маҳорат кўриги



Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида болалар ва усмирлар ўртасида қарат бўйича Ўзбекистон бирин-

чилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган сақиз юз нафарга яқин

дан), Эркин Дониёров (83 кг.), Ширин Шарипов (90 кг., Бухоро), Болтабой Болтаев (+90 кг. РОЗСК)лар йигитлар ўртасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Қизлар ўртасида эса Гулрух Абдувоҳидова (48 кг. Самарқанд), Шоҳида Назарова (52 кг., Тошкент), Дилнора Сулаймонова (57 кг. Сурхондарё), Умида Матёкубова (63 кг., РОЗСК), Субҳия Мусаева (70 кг., Бухоро), Малоҳат Рўзиева (+70 кг., Самарқанд)ларга тенг келадигани топилмади.

Эътиборлиси, чемпионат голиблари республика олий ўқув юртлирига давлат тест синовларисиз имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шунингдек, улар шу йилнинг сентябрида Туркияда ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Суратда: беллашувдан лавҳа. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afar HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV, Nomoz SA'DULLAYEV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Kotibiyat 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80, 236-54-12

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshamba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
15628 nusxada bosildi
I — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshtirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda